



# ЎЗБЕКНИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюв» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси Нархи: 10 сўм.  
1993 йил 17 июль, шанба № 132 (21.483)

## ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Республика ҳукумати 1993 йил 20 июлдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарларининг айрим турлари бўйича шартномавий (эркин) тарзда ва чакана нархларга ўтишга қарор қилди. Мол, сўт, қартошка ва пиванинг ҳарид нархлари, шунингдек, гўшт, қаймоқ олинилмаган сўт, макорон, ўсимлик майи, қанд-шакар, чой ва кир совуғининг чакана нархлари эркин қўйиб юборилди ва шартнома асосига ўтказилди.

Бунга нимадир сабаб бўлди? Уларнинг факат асосийларини санаб ўтамиз: Биринчи сабаб. МДХнинг барча республикаларида амалдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари барча турларининг тарихи нархлари биздагига қараганда анча етти шартнома асосига ўтказилган, бу тейёр

озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг жидайд равишда ўсишига олиб келди. Бизда эса, маълумки, меҳнатқашлар ижтимоий аҳолининг кескин ёмонлашувига йўл қўймадик учун ҳукумат асосий озиқ-овқат товарлари чакана нархларини ушлаб туришни давом эттирмакда. Бугунги кунда қишлоқ республикаларида нархлар билан Ўзбекистондаги нархлар билан энг аввало озиқ-овқат товарлари нархларида катта (анча юқори) фарқ мавжуд.

Бунларнинг барчаси чегаралар номигагина мавжуд бўлган бир шартнома ҳолида ва товарларнинг қишлоқ республикаларида ўтиб кетишига олиб келмакда, божхона хизматлари эса уларнинг жууда оз қисминини тўлатиб қолмакда.



## ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА

«Яна Қарши вилояти-дурким, Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар. Қарши мўғулча оттур, ...хонани мўғул тили бирла қарши дерлар. Голибо бу отнинг жануб саридур,

Чингисхон тасаллутидан сўнг бўлгондур. Кам оброқ ердур, баҳори хуб бўлур, эккани ва қовуни яхши бўлур. Самарқанднинг жануб саридур,

бир нима фарбага мойил, ўн саккиз йилгоч йўлдур. Бағриқаро йўсулқиқ қушлар, қилқуй-руқ дерлар. Қарши ви-

лоятида беҳад ва бениҳоят бўлур учун ул навоҳида мурғаки қарши дерлар».

«БОБУРНОМА»дан.

		сўт		фосфатли мевани		чоч		ун		қанд-шакар	
		девят дўч.	бозорда	девят дўч.	бозорда	девят дўч.	бозорда	девят дўч.	бозорда	девят дўч.	бозорда
Олмавот	800	1500	110	100	—	800	3000	80	700	—	—
Чиқоқ	700	900	90	—	750	—	1850	70	—	—	
Чиник	450	1100	30	50	400	—	3500	200	450	—	
Ўкив	800	—	80	—	125	—	2325	80	255	—	
Москвав	900	4000	125	530	400	600	2400	60	360	—	
Тошкент	600	1200	80	150	200	—	800	30	300	—	

Иккинчи сабаб. Совет Иттифоқининг парчаланиб кетиши ва унинг ҳудудда бир қанча мулкдорларнинг вужудга келгани ўзаро янги иқтисодий муносабатларни тақозо этди. Бошқаруving маълумий-буйруқбозлик тизими ҳамма жойда нархларнинг эркинлаштирилишига асосланган бозор иқтисодиёти билан алмаштирилмакда. Бунда давлат қаттиқ назоратини бекор қилиб, талаб ва тақлиф асосида маҳсулотларга нархларни белгилаш ҳуқуқини маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзарига бермакда. Бу, биринчи навбатда, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат корхоналари учун ҳам ашё этиштириладиган қишлоқ хўжалигига тегишлидир.

Бу нима демократ? Бу шартномавий (эркин) нархларнинг корхоналар ва хўжалиқларнинг ҳам ашё ва материаллар сотиб олишига, иш ҳақи тўлашга, ёқилиш ва хизматлар ҳақи тўлашга ва ҳоказоларга ҳаракатларидан келиб чиққан ҳолда шаклланиши демократдир. Бундан ташқари, ҳар бир корхона ва хўжалиққа ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва меҳнат жамоасининг ўзининг иқтисодий соҳаси муаммоларини (уй-жой, болалар боғчалари, газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, поликлиникалар, профлакторийлар, эхтиёжман оилаларни таъминлаш ва бошқалар) ҳал қилишга йўналтириладиган маблағлар зарур. Ҳукумат бунда нархларнинг кескин ошиб кетишига ҳамда истеъмолчиларнинг аҳоли ёмонла-

Шу сабабли бугунги кунда нархларни ушлаб туришга (бу билан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг эркинлиги ва ташаббускорлигини чеклаб қўймакда) йўналтирилмаган катта маблағни энг аввало эхтиёжманларга мақсадли ёрдам кўрсатишга ва уларни қўллаб-қувватлашга сарфлаш вазифаси турибди. Лекин бу ёрдам янада салмоқли бўлиши керак. Мана шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси илгор маилмакетлардаги мавжуд тажрибани ҳисобга олган ҳолда эхтиёжманларга ёрдам кўрсатиш тартибининг тубдан такомиллаштириш юзасидан зарур қарорлар тайёрланмакда ва бу қарорлар яқин вақтлар ичида қабул қилинади.

Нарх белгилаш масалаларида бузилишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида Молия вазирлиги, Давлат солиқ бosh бошқармасига, маҳаллий ҳокимият органларига, хўжалиқлар, бирлашмалар ва корхоналар томонидан шартномавий (эркин) нархларнинг рентабеллигини чегараланган даражаларини белгилаш йўли билан тўғри шеклантирилиши устида қаттиқ давлат назоратини таъминлаш, шунингдек, зарурат бўлганда қанда бузувчиларга нисбатан «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ жазма санкцияларини қўллаш топширилган.



СУРАТДА: Қарши шаҳрининг марказий кўчалардан бири. Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

## Истиқлол йўқламаси ОЙ-ЮЛДУЗЛИ БАЙРОҒИМИЗ ҲИЛПИРАЙВЕРСИН

Фармон ОМОНОВ,  
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилояти Кенгашининг биринчи котиби,  
Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

Бор-роғлар, яшил далаларга бурканган юртимизнинг мовий, мусаффо осмонининг тисоли бўлган давлат байроғимиз, бахт ва иқболдан дарак бераётган парвозга шайланган ҳумо қуши янги раминизга нигоҳ ташлабда шу кунларга етганимиз учун минг бор шукрлар айтаёмиз. Зеро, мустақиллик азалии орузми эди. Унга осонликча эришганимиз йўл. Шу бонс, мустақилликни мустақамлаш ишига ҳаммамиз дохилдорим. Мустақиллигининг иккинчи йиллигини меҳнатда катта ютуқлар билан нишонлашга ҳозирлик қўраётган Қашқадарё воҳаси меҳнатқашларни ҳам кўтаргани руҳда меҳнат қилмакдалар. Вилоят ҳокимининг қарори билан ҳар ойнинг дастлабки жумасини иқтисодий ислохотчи ўрганиш куниде деб белгиланди. Бундай ҳайрли тадбирин амалга оширишга Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари, халқ ноиблари, олим ўзвучилар кенг жалб қилинмакда. Бунга Президентимиз И. А. Қаримовнинг виллоят, шаҳар, туманларида бўлиб, билдирган тақдирий фикр, тақлид ва мулоҳазалари ҳамда виллоят ҳокимининг иқтисодий ислохотни муваффақиятли ўтказиш бўйича меҳнатқашларга мурожаати мазму қилиб таяланди.

Бир замонлар Бухоро амрлигидек катта давлатни дон билан таъминлаган Қашқадарё воҳаси кейинги пайтларда ўзи бундай маҳсулотни бошқа минтақалардан олиб келишга мажбур бўлиб қолган эди. Мустақиллик шарофати билан галлачиллик яна ривожланган. Айни пайтда суғориладиган галла экин майлони 85 минг гектар ерига ташкил этилди. Бу майлони яна икки баравар кенгайтириш қўзда тутилган. Шу кунларда эса галла ўрми-йиғими қизғин падалда.

Партия ташкилотлари халқ билан ҳамфир, ҳамнафас бўлиш йўлида изланаётганлар. Китоб туман партия ташкилоти ҳокимлик билан биргаликда муайян мазмунлар юзасидан меҳнатқашлар билан очқиқ мулоқотлар ўтказаятганини ибратли бўлмакда. Учрашувларда савдо, тиббиёт, маъийи хизмат соҳаси мутасаддилари аҳоли олдига ҳисоб бермакдалар. Ёчимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш келишиб олинмакда. Партия ташкилотлари бундай учрашувларда кўтарилган масалаларнинг ҳал қилинишини назоратга олган. Янабоғ туманидаги «Турон» жамоа ширкат хўжалиги, Қарши туманидаги Чўли ота хўжалиги ҳамда «Ўзбекистон мустақиллиги» давлат хўжалиқларида тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилган. Ижтимоий-саноий хоналар жиҳозланган. Уларда республика, виллоят тумани ва хўжалиқларида ислохотнинг бориши рақамларда ўз ифодасини топган. Биз партиямиз сафини эътиқодли, Ватанга садоқатли кишилар, айниқса билар ҳисобига кенгайтиришга алоҳида эътибор қилмакда. Бугунги кунда партия аъзолари 32 минг кишига етган. Уларнинг 12 мингдан кўпроғи янгитдан қабул қилинганларни ташкил қилди.

Виллоят партия кенгашининг навбатдаги пленумида ватанпарварлик ва байналмилаллик ғояларини тарғибот қилишда партиямиз олдига турган вазифалар муҳофиза қилинди. Маълумки, ватанпарварлик туйғуси ўз уйимизга меҳр, ота-онамизга ҳурмат, қонаверса, ялаб турган қишлоқ, шаҳар ва виллоятимизни яхши ўрганишдан бошланади. Шу бонс Қарши воҳасининг тарихини ўрганишга алоҳида эътибор қилинмакда. Антик давр адабиётида воҳамиздаги асосий шаҳар Навоқ деб тилга олинишини ҳамма ҳам билмас керак. IV—VII асрларда Боло, Нашеболо, Нахшаб, IX—XIII асрларда келиб Насаф, XIV асрдан бошлаб Қарши деб атала бошлаган экан. Умуман, воҳамиз ўтмиши ҳақида турли ривоят ва ҳикоятлар кўп. Мухими, халқимиз ўзларининг ўтмишдошлари бўлган Насафий, Қарший каби ўнлаб шоир олимлар, меъмору соҳнадарлар ҳамда Фихришунослари билан фанларанилар. Меъморуларимиз Самарқандда бўлиб этилган жаҳонга машҳур мадрасаю мақбараларни тиклашда иштирок этишгани маълум. Қаршидаги қалъа Заҳони Марон, Ер қўрғон қолдиқлари, Қасбидан Султон Мир Ҳайдар мемориал ансамбли, сардобалари, Шаҳрисабзгаги соҳибқирон Амр Темур авлодларига мансуб мақбаралар ва бошқа асори атиқалар бой маънавий меросимиздан дарак беради. Бу ноёб обидалар Буюк ипак йўлида жойлашгани билан диққатга сазовордир.

Дўстлик, миллий тотувлик, ҳамжиҳатлик бор жойда яратувчилик, иқодий меҳнат ривож топади. Қарши чўлини бор-роғга айлантириш, Чимқўрғон, Пачақар, Хисорак сув обморлари, Ульянов, Москва, Қарши магистрал каналлари,

Толлимаржон ГРЭСи, Шўртангаз, Муборак газ жаммуалари қурилишида турли миллат фарзандлари меҳнат қилмакдалар. Партиямиз дастурда ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекларнинг она замини, шу ерда яшаётган ҳамма кишилари учун, уларнинг миллатидан қатъи назар, азиз ва севимли макон бўлиб қолишига ҳаракат қилади, дейилган. Биз шу талабдан келиб чиққан ҳолда саъй-ҳаракатлар қилаверамиз.

Ҳаммамиз ҳам мураккаб, муаммоларга бой ўтиш даврини бошдан кечирмакда. Хорж билан ўзаро манфаатли асосда шартномалар тuzилаётгани, янгида янги корхоналарни ишла тушириляётгани, қишлоқ меҳнатқашлари турмуш шароитларини яхшилаш учун ҳаракат қилинаётгани кўннда умидбахшлик қилганда. Ўзининг қийинчиликларини бартараф этиш йўлида сафарбарлик билан гайрат кўрсатиш лозимлигини одамлар билиб турибдилар. Мақсад—мустақил давлатимизнинг ҳам ашё манбаи бўлиб қолишидан қутулиш, қўллаб сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришиш, келажикда буюк ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўли бош йўналишимиз эканини халққа тушутиришлар.

Қашқадарё беҳисоб қазилма бойлиқларига эга, ўрғаболоқ, Зеварда газ, нефть конларидан олинаётган маҳсулотлар мамлакатимиз иқтисодиётини мустақамлашга муносиб ҳисса бўлиб қўнлмакда. Хусусан, Қўндумалоқ нефть ва газ конларининг ишга туширилиши бу борада муҳим ҳақида касб этмакда. Шу йилнинг ўзиде 23 та қуддан нефть олинмакда. Қелгусида бу рақамини 30 тага етказиб, йилга 4,5 миллион тонна нефть олишга эришилади. Бу билан республикамизда қазиб олинаётган қора олтининг 50 фоизини воҳамиз етказиб бериш имконияти мустақилликни мустақамлашда виллоятимиз иқтисодиёти ҳам кўп жиҳатдан ҳиссалор бўлиши мумкин экан.

Мухими, мустақилликни мустақамлашда ҳаммамиз маъсул эканимизни унутмай, мовий-яшил байроғимизни янада сарбаланд бўлиши йўлида ҳаракат қилаверамиз.

«Истиқлол йўқламаси туркумдаги мақолаларнинг давомини ўқинчи бетда қўйларин».

## ХИЁБОНДА ЖАҲОНГИР СИЙМОСИ

Ҳа, бу кўҳна замин не-не зули-ситамларини кўрди. Босқинчилар ҳақида ўзларининг ёвуз ниятларига етиш учун нитлавердилар. Ўзласа, Тошкентнинг ноқ узказидаги сўлим хиёбонда кинларнинг ҳайкали савлат тўкиб турмади, дейсиз. Худди ана шу «Марказий хиёбон»да қўллаб тарихий воқеалар юз берган. Бундан юз йиллар аввал бу боғ Константин номи билан қонларди. Унда Туркистон генерал губернатори Кауфманнинг ҳайкали савлат тўкиб турган.



Мустақил чор ҳокимияти қўлаб, болшевиклар тузуви қарор тоғат, бу ерда ўроқ ва болга тасвири туширилган ёдгорлик, ундан кейин эса «Октябрь 10 йиллиги» юговменти ўрнатилди. Кейинчалик эса «Халқлар отаси» — И. Сталиннинг вафотидан сўнг унинг маҳобатли ҳайкали ўрнатилди. Лекин у ҳам эврилишлар шамолга бардош бера олмади. Зеро, у қораланидан сўнг худди билан Сталин ҳайкали ҳам олиб ташланиб, жаҳон йўқсизларининг доҳийси К. Маркс ёдгорлиги бўлиб этилди. Лекин у ҳам боғда узоқ вақт сакланмади. Чунки, бу ҳайкаллар ўзбек халқининг мақсад режалари билан ҳисоблашмасдан ўрнатилганди.

Мана, ниҳоят, жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришди. Истиқлолнинг иккинчи йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Энди бу ерда — Тошкентнинг энг кўркам гўшасида Мобароунаҳрда жуда катта, буюк давлат тузуб, уни бошқарган Амр Темурга ўрнатиладиган буюк ёдгорлик мажмуи барпо этилади. Шу-

## БУЮК БРИТАНИЯ МАЛИКАСИ ТОШКЕНТДА

16 июль куни Буюк Британия маликаси Анна зоти олиялари турмуш ўртоғи билан Қозоғистоннинг Алматы шаҳридан Тошкентга келди.

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган виллоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. ХДП виллоят кенгашининг биринчи котиби Б. Аҳадов Дустилик тумани ҳокимияти этиб тайинланганлиги муносабати билан вазифасидан озод этилди. ХДП виллоят кенгашининг иккинчи котиби А. Фаёзов виллоят кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. Виллоят ҳокимиятининг маъсул ходими М. Алиева ХДП виллоят кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА

## Ўзбегим — ўзлигим

### ИЙМОН - ЭЪТИҚОДИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Масъул Хужа РАҲМОН ўғли,  
Қарши шаҳар «Кўк Гумбаз» жомеъ масжидининг имом хатиби:

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Исломи дини ер юзига келгандан бундан жуда кўп қарама-қаршиликлар, тўсиқлар ва синуларга дуч келган. Хусусан шўролар даври ҳам Исломи дини учун қийин кечди. Халқимиз нафақат диндан, балки ўз миллий урф-одатларидан ва маданиятидан ҳам беғона бўлаётди.

Оллоҳу таолога беҳад шукрлар бўлсинки, ҳурлик туйғули юртбошимизнинг нијатлари ижобат бўлиб, имон-эътиқод эркинлик топди.

«Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм: Ораларингизда яхшиликка (Исломига) даъват қилдингиз, ибодат-тоатга буюрадиган ва исён-ғуноҳдан қайтаридиган бир жомеъат бўлсин. Ана ушлар нарҳат тоғувчилардир. ... Бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, талашиб-тоқтишган кимсалар каби бўлмагангиз! Ана ундайлар учун улуг аъоб бордир». Оли Имрон сурасининг 104-105 оятларидан келтирилган бу сўзлар амру-маъруф бўлиб, юртимиз фаровонлиги, халқимиз оқсоқили йўлида қилмаётган эзгуликларга уйғундир.

Бундай оятларга амал қилиб, мусулмонлар Исломи таълимоти бўлиши одоб ва ахлоқ, тинчлик ва ўзаро кўмак-хўрмат бўлишини доимо тарғиб қилмоқдалар. Элимизда бозор иқтисодиёти ажуфта келтирган ҳар қандай қийинчиликларни сабуру тоқат билан енгиб боришга умидворлик борлиги айни мўъжадир.

Мустақиллик шарофати ила мусулмонлар ҳеч қандай тазийқисиз диний меросимларни ўтказиб, янги масжидлар қуриш, ферандларига ислом таълимотини ўргатиш ва муқаддас эиёт бўлиши ҳаж сафарига бориб келиш каби имкониятларга эришдилар. Қарши шаҳридаги 500 йиллик тарихга эга бўлган «Кўк Гумбаз» масжидимизнинг таъмирланишига маҳаллий ҳокимлик жиддий эътибор бермоқда.

Маҳнатқашлар тинч ва оқсоқилта меҳнат қилмоқдалар. Бу албатта Оллоҳу таолонинг бизларга қилган катта

фаъли қаромидур. Бунинг учун Оллоҳу таолога беҳад шукрлар айтмаиз ва муҳтарам Президентимизнинг ҳалқ ва юрт учун қилмаётган олийжаноб хизматларига оллоҳу таолодан доимо маъад сўраб, дуолар қиламиз.

### ОБРҮ - ЭЪТИБОР ТОПДИК

Жўра ХҲЖАҚУЛОВ,

Қарши аграр-иқтисодий институтининг «Ўзбекистон тарихи ва иқтисодиёти назарисси кафедраси мудири, доцент:

— Мустақиллик ўтган қисқа давр ичида бизга кўп имкониятларни инъом этди. Энди аввалгидай Москвадан қош-қовоғига қараш йўқ. Ҳама нарса республикамизда ҳал бўлади.

Илим-фан аҳлининг ҳам орзулари ушалапти. Қарши давлат педагогика институти дорифунунга айлантирилди. Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини Қарши филиали базасида аграр-иқтисодий институтга ташкил этилди. Энг муҳими эътиборга, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ўқитувчиларига уй-жойлар бепул хусусийлаштириб берилди. Ойлик маошларимизнинг бир неча баробар оширилганини айтмайсанми! Оддий ўқитувчи сифатида истиқлол эриштиб берган имкониятлардан гоат мамнунман.

Президентимизнинг меҳнат ҳақи, пенсиялар ва степендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисидаги фармони ҳам мустақил юрт фуқароларига гамхўрлик ифодасидир. Яна бир гап. Маълумки инсон боласи ҳар қандай шарафга ҳам ўзлигини, меросини билсин. Билсинга интилади. Афсуски, бу эътибор чеклиниб ижтимоий фанлар сингагири ҳам ягона фирканинг сиёсий мақсадларига бўйсундрилган. Миллий тарихни ўрганиш ман этилган.

Мустақиллик туйғули мамлакатимиз тарихини ўрганишга киритди. Ватан тарихини билмасдан, ундаги кадрларнинг чуқур ҳис эмасдан туриб, чинакам Она-юрт фидойисиз бўлиш қийин.

Миллий истиқлол мафқурасини яратиб бугунги кундаги энг муҳим азаифа қилиб қўйилганлиги бежиз эмас. Биз ҳамоюртларга буюк ипақ йўлини, улуг саркарда Амир Темур, мирзо Бедиллар тарихини тўғри ўргатишимиз керак.



О ҚАШҚАДАРЕ вчлоятининг шаҳар ва кишлоқларида мустақиллик байрамининг икки йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлашга қизгин ҳозирлик қўрилмоқда. Шаҳрисабзда вилоятда биринчи ҳисобланган трикотаж буюмлари тикши фабрикаси фойдаланишга топирилди. Бу билан 450 киши иш билан таъминланди. Шаҳрисабзда туманидаги Гани Бобоев номи хўжалик марказида эса халқ усталари ғайрати билан миллий чойхона қуриб битказилди. Байрамга ўзига хос совға тарихида бунёд этилган бу гурунхона ресторани, бахт уйи, дўкон ва бошқа кулайликларга эга.

СУРАТДА: янги қурилган чойхонанинг кўрилиши.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат (ЎЗА).

### РАҚАМЛАР КЎЗГУСИДА

О Келаси йили Қашқадарё воҳаси ўзининг 70 йиллигини нишонлайди. Ер майдони 28,4 минг квадрат километр ёки 2 миллион 800 минг гектар. Аҳолиси 2 миллионга яқин.

О Таркибда 14 та район, 12 та шаҳар бўлиб, 100 дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилади. Вилоятда 200 га яқин давлат, жамоа ва ширкат хўжаликлари, 106 та саноат корхонаси мавжуд.

О Қишлоқ хўжалигида пахта ва галла асосий ўринни эгаллайди. Бу йил 459 минг тонна пахта (тола ҳисобда 164 минг тонна), 500 минг тоннага яқин дов этиштирилди. Чилла, мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳам йил сайин кўпаймоқда. 200 дан зиёд чорвачилик фермаси хусусийлаштирилиб, давлат тасарруфидан чиқарилган.

О Воҳа катта ер ости бойлигига эга. Биргина шу йилнинг ўзида 42 миллиард кубометр табиий газ, 2 миллион 141,2 минг тонна кендеш ва 1 миллион 891 минг тонна нефть қазиб олинди. 486 минг тонна олтин-гүлгүрт ишлаб чиқарилди. Республикада ишлаб чиқариладиган газнинг 90 фоиздан зиёди, нефтининг 50 фоизга яқини шу заминдан олинди.

О Вилоятда Муборак гази қайта ишлаш заводи, «Шўртанга» мажмуаси, «Қаршистройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик корхоналар ишлаб турибди. Қарши яқинида Туркия билан ҳамкорликда йирик туркизмачилик комплекси қуриляпти. Бу ерда йилга 25 минг тонна ингичка толали пахтадан қайта ишлаб, тайёр кийим-кечалар ишлаб чиқарилади.

О Қарши даштида барпо этилаётган Шароф Рашидов номи Толимаржон ГРЭСи Марказий Осиёда ягона бўлиб турибди.

О Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилояти бошланғич ташиқлотларга 32 минг нафар ХДП аъзоси уюшган. Шунинг 12 минг нафар партияга янгитдан қабул қилинган кишилардир.

### Илм — маърифат СОВҒАСИГА — ЛОНДОН САФАРИ

Оиламизда тўрт фарзанд. Катта ўғлимиз Ҳажимжон Киевдан кимё-технология институтини битирган. Ҳозир у Деҳқонobod ўрмон хўжалигида ишлаяпти. Иккинчи фарзандимиз Нуралин ҳам изламоқда. Лекин у бошқаларидан аниқлиб турди. Хоризда билгим олширди интилади. Ҳар қалай, ҳозир Истабулда дорифунунини муҳандислик куллиётида тахсил олмақда. Ҳўршадан муваффақиятлари учун ўтган йили АҚШнинг Вашингтон шаҳрида малакасини ошириб қайтган. Уйда бироз дам олган, яна ўншига кетди.

Яқинда ундан мактуб олди. Катта эиби: «Оталарим, онам сон-саломатимиз, оила аъзоларимиз эсон-оминми? Уйни, айниқса, сизларни жуда соғиндим. Тест синовларини муваффақиятли топириб бўлидим. Дорифунунимиз раҳбарлари менга раҳматнома эълон қилишди. Уқшида эришган натижаларим учун Англияга юборадиган бўлишди. Энди Лондонда бир ойлик ёнги таълимни ўтказишимга тўғри келади. Таълимни ўтказиб, сўнгра уйга бораман. Кўришгунча хайр. Мени сўраганларга салом айтиш. Сизларни соғиниб, Нурали Болтаев».

Ҳижрабандимизнинг мактубини қайта-қайта ўқиб, кўзимдан севинч ёшлари қалқиди. Биз каби оддий кишиларнинг фарзандлари геч элда ўқиб, келажак буюк чет эллик фарзанди бўлиш учун имконият ярати бераётган Ўзбекистон хукуматига, шахсан юртбошимизга ташаккур айтмаиз. Бу ҳаммаси мустақиллик шарофатидан.

Бундан тўрт-беш йил илгари институтларга кўпроқ амалию-пули борнинг фарзандлари кириб ўқирди. Билим, қобилият инобатга олинмасди.

адолатсизлик ҳукмрон эди. Оддий фуқароларнинг болаларига йўл бўлиши эди? Минг шукрки, мустақиллик туйғули адолат чироғи порлаб, орзулар ушалмоқда.

Институтларга тест синовини асосида кириш имтиҳонларининг жорий этилиши айни мўъжад бўлди. Чунки, бу жаҳон таърибига ҳосидир. Натижаси чакки эмас. Билимни талаба синовдан ўтади. Бунга ўғлимиз мисолида яққол ишонч ҳосил қилдим. Ҳозир туманимиздан 5 нафар, деҳқон-ободлик йигитлардан уч нафари хорижда тахсил олишга. Ҳа, болалар келажакимиз. Илми, зеҳни, зукко, баркамол ёшлар сафи кенгайверсин. Боси, соғлом авлод маънавий меросимиз издошларидир.

Нортой ОТАЖОНОВА, Яхшибой БОЛТАЕВ, Оила бошлиқлари, Деҳқонobod тумани.

Қадриятларимиз соҳибқирон руҳини шод этайлик

Ишлари ҳам қониқарли, деб бўлмайди. — Қадимий обидаларнинг бугунги ахволи ҳаммамизни ҳам ташвишга солмоқда, — дейди Шаҳрисабз шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Азим Зайнидинов. — Жумлада, 1404 йилда қурилган, ҳозир ҳароба айланган Оқсарой тобора нураб бормоқда. Унинг 51 метри бўйининг 39 метрга тушиб қолганини, айниқса ачинарли. Афсуски, таъмирлаш ишларини жаддалаштириш у ёнда туриши, ҳозирги ҳолатини сақлаш ҳам иқтисодий имконият этириб эмас. Ҳазрати Имом масжиди, Жаҳонгир мабараси ҳам таъмирлаб, Амир Темур мабарасини сув босган. Иллар мубайида заҳ сувни қочирининг имкони бўлмаяпти.

Маана, бобоконанимиз руҳига муносабат. Республикаимизда бундай бой меросни, маданий ёдгорликларини асраш ва таъмирлашга дахлдор мутасадди идораларнинг раҳбарлари бу борада жиддий ўйлаб қуришга ёмон бўлмасди. Ҳаммамизга маълумки, Амир Темур Шаҳрисабз яқинидаги Хўжа Илгор қишлоғида таваллуд топан. Соҳибқироннинг отаси Амир Тарагай, онаси Тегино, ўғиллари Жаҳонгир ва Умаршайх ҳамда бошқа яқинлари ҳам ана шу қишлоққа дахлдор. Жаҳонгирнинг Кедада ўзига атаб қурдирган хилхонаси қаровсиз ётанлиги наҳотки ҳеч кимни қизиқтирма.

Тўғри, инкор этмаймиз, — дейди шаҳар ҳокими — ёдгорликларни таъмирлаш учун ҳар йили маблаг ажратилляпти. Лекин у етарли эмас. Айтилини, ўтган йили 200 минг сўм. Бу йил 9 миллион сўм ажратилган. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай маблаг билан кўп иш қилиб бўлмайди. Жамағаларнинг эса ҳозирча нафи тегмапти. Агар Оқ сарой, Кўк Гумбаз, Жаҳонгир мабараси каби ноёб обидалар таъмирланмаса, авлодлар олдидан иснодга қилиниши таин.

Яқнабоб шаҳрига туташ Хўжа Илгор қишлоғи назаримизда буюк зияратгоҳ жойлардан бирга айланиши керак. Афсуски, бу ерда бутун дунёни ларзага солган, ўзидан катта маънавий мерос қолдирган ажойиб инсонга бағишланган бирор ёдгорлик ларҳаси ҳам йўқлиги кинини азаблантиради.

А. АБДУМАЛИКОВ, уруш ва меҳнат фахрийси.

### Қадриятларимиз

### СОҲИБҚИРОН РУҲИНИ ШОД ЭТАЙЛИК

Шаҳрисабзни қадимда Кеш деб юртишган. Бу шаҳарда соҳибқирон Амир Темур намол топан. Буюк жаҳонгир яшил шаҳарни ободонлаштириш учун кўп ишларни амалга оширган. Мовий гўмбазли масжиду мадрасалар қурирган. Машҳур Оқсарой мажмуасининг ЮНЕСКО тасарруфидан эгани ҳам бежиз эмас. Бунёдкорлик ишлари XVII асрача давом этиб, 14 та йирик обида барпо қилинган. Аммо олиб боришган жангду жадаллар ноёб меъморийлик санъатига катта эиён етказди. Соҳибқирон номи билан боғлиқ Гумбаз Сандон, Ҳазрати Имом, Кўк Гумбаз каби обидалар турли ҳолатларда бизнинг давримизгача этиб келди.

Амир Темур ва унинг юртдошлари томонидан яратилган ажойиб меъморийлик асарлари халқимизнинг тарихий мероси, Турон мулкига айланган табиий. Зеро, Шаҳрисабз, қолаверса, вилоят аҳли боболари руҳларини шод этиш учун нималар қилишляпти, деган савол турғилади.

Маънавий меросимизнинг буюк асосчиларидан булган Амир Темур номи оқланиши ҳам мустақиллик шарофатидан. Истиқлол туйғули олимлар, афломлар, ёзувчилар оммавий ахборот воситаларида бор ҳақиқатни сўзлашга ҳаракат қилмоқдалар. Шаҳрисабзда ҳам шу мавзуга бағишланган катта симпозиум бўлиб ўтди. Вилоятнинг кўпгина туманларидаги хўжаликларга унинг табаркур номи берилди. Қарши, Шаҳрисабз ва Яқнабоб шаҳарларидаги раво кўчалар соҳибқирон номи билан аталмоқда. Қамашни тумани марказида эса соҳибқирон ёдгорлик мажмуаси яратилган. Шаҳрисабзда ва вилоят марказида Амир Темур жамағалари таъсис этилган. Албатта бундай ишлар яхши. Аммо миллатимизни мангуликка муҳрлаган инсоннинг хотираси учун булар етарлимикин?

Қадимий Шаҳрисабзда ҳар гал бўлганимда бобомиз номи билан боғлиқ обидаларнинг вайронасини қуриб, эзилди кетаман. Тўғрисики айтганда, у киши ўзлари учун мангу хотирот қолдириб кетганлар. Аммо, бизларча... Наҳотки авлодлар учун, тарихимиз учун соҳибқирон сиймосини эслатувчи бирорта ёдгорлик ўрнатилиши иложини бўлмас. Узоқ миллатдан бизгача этиб келган меросни асраш ва таъмирлаш

(Саҳифани «Ўзбекистон овози» муҳбирлари Мусо ҚАРОМОВ ва Ҳайдар НОСИРОВ тайёрладилар).

### Иқтисодиёт чорраҳаларида

Еш механизаторлар Шўҳрат Очиловнинг бобоси Байна Худойназаров жомеъат ширкат хўжалиги кенгаши раисини тўйга таклиф қиларкан.

— Биздан нима хизмат, — деди Номоз Холматов, — тортинмай айтаверинг.

— Сиз фаолларингиз билан набираларимизнинг яхши кунига қатнашсангиз бўлган.

— Унда тўйга ўзимиз бошқош бўламиз.

Шўҳрат Очилов гўдаклигида онадан етим қолган. Отаси эса уйланиб, уни ташлаб кетган. Бобоси қўлида тарбияланиб, волага етди. Хунар ағаллади. Мана энди хўжалигини моҳир механикатори. Номоз Холматов ҳам ўзининг ёшлигини эслади. Ҳа, унинг ёшлиги Деҳқонobod туманининг «Кўкбулоқ» совхозида ўтди. Душамбе давлат дорифунунининг математика факультетини тахсил олди. Сўнгра Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг иқтисодий факультетини битирди. Хўллас дардини торган табиб, деганларидек, етим-есир, бева-бечораларни қадрлайди.

Аслида қўмақлашиш, но-чор кишиларни қўллаб-қувватлаш ўзбекона удумлар

дан. Шу бос жомеа ширкат хўжалиги раиси оддий механизатор тўйига бошқош бўлиб, жуда тўғри қилди. Бахт, кечасида келин билан кўвега яхши истақлар билдириб, тўрт хонали коттежнинг калитини топирилди. Уй хусусий қилиб берилди.

Хонадонларни газлаштиришга эътибор катта. 117 хонадонга табиий газ келтирилди. Аҳоли ичимлик суви билан таъминланган. Қишлоқларда иқтисодий ислоҳот давом этаётди. Давлат хўжалиги 4 та деҳқончилик, 1 та механизация, 1 та маданий-маиший ва тинта савдо тижорат ширкатига айлан-тирилди. Шу муносабат билан маъмурий идора ходимининг 40 фоизи қисқарди. Улар ширкатларга ишга жалб қилинди.

Неъмат МАНСУРОВ.

Иирик чорвачилик фермаси хусусийлаштирилди. Фермада 800 бош қорамол бор. Энди мулк жамоаники. Қўлга киритилган ютуқларда ҳар бир ишчининг ўз улуши бўлади. Ана шу улугша қараб у меҳнат ҳақи қи олади.

— Мулкка, меҳнатга муносабат ўзгарди, — деди жомеа-ширкат хўжалиги кенгаши раиси Номоз Холматов. — Одамларда ерга ағалиқ хисси пайдо бўлди. Енилги-мойлаш материаллари, ўрит ўлчовли, тежаб-тергаб ишлатилляпти. Айниқса, биринчи ва учинчи деҳқончилик ширкатида ижобий самара кўзга ташланиб қолди. Хўжаликда янги иш жойлар яратилляпти. Кигиз босиш, гилам тўқиш, тикувчилик каби кичик корхоналар очиниша таралуд қураямиз. Бир сўз билан айтганда бу аҳолини кўшимча иш билан таъминлаш имконини беради.

Хўжаликда пахта ва бошда деҳқончилик экинларидан мўл ҳосил етиштирилляпти. Энг муҳими, одамларнинг нафийяти ёмон эмас. Қўлга келиб улар ўз бахтларини, қадриятларини топишляпти.

Неъмат МАНСУРОВ.

### Дунёда ЯХШИЛИК ҚОЛАДИ

Хайрли иш жомеода яхши таассурот қолдириди.

Аҳолининг кам таъминланган, ноқор қисминини ижтимоий жимоялашни йўлга қўйиш жомеа-ширкат хўжалиги маъмуриятининг эзгу ишларидан бирига айланган. Меҳнат фахрийларидан Гадоий Абдуғаниев, Аҳмад Усмонов, Чори Мўминов каби-ларга ҳам уй-жойлар хусусийлаштириб берилди.

Президент фармонига асосан 64 нафар ўқитувчи ва тиббиёт ходимига уй-жой

### Назм дафтаридан КЎЗИГУЛ

Гулдирак оҳ урар. Тикрайди осмон, чақмоқ қиндан чиқарар тилни. Хўв, олс даштарда, елиб тўрт томон адашган уорини қидираб қулуи.

Осмоннинг бепойи кенгликларидан улоқиб—улоқиб йиллар авлрлар. Касби қўрғонининг дўнгилликларидан сасизига чўнар ерга қабрлар.

Кўзюғи ксини соуврар аё, наисонлар атрини ичади гулгул. Мени бағринга ол, ёмгирли дунё, мени бағринга ол, кўзюғи!

Иром ОТАМУРОД

### Деҳқон сўзиди

Мустақиллик, истиқлол, иккинчи адолат. Бу сўзлар замирида катта маъно бор. Бу кунларда орағини кутганлар. Меҳнатимиз, қолаверса ўзимиз қадр топдик. Мен узоқ йиллардан бери жомеа хўжалигида бригадир

### ЕЛКАМИЗГА ШАМОЛ ТЕГДИ

лик қилиб келаман. Зеро, қўнглимдагини айтадиган сўзлаам бошқарув ишларида ҳали янгилик шакл-шамойиллар юзга келди, дейиш қийин. Айтмоқчиманки ишловчидан кўра ўргатувчи кўп. Юртбошимиз мамлакатимизда амалга ошираётган сиёсатдан мамнунимиз. Эндиликда мунча тонна пахта бера-сан, деб зиммага мажбурият эти юклардан йўқ. Ҳозир фермерлик ҳаракатини ҳам йўлга қўйганмиз. Иқтисодий ислоҳот талабларидан келиб чиқиб, шунга қарор қилдик. Мақсад давлатимиз бойлигига муносиб ҳисса қў-шишдан иборат.

Улдона РАЖАБОВА, Қанаши туманидаги «Оқрабат» жомеа хўжалиги бригадаси раисини.

### Факт ва шарҳ ТААССУРОТЛАР БЕТАКРОР БЎЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШ УЧУН ВИЛОЯТДА ҚАНДАЙ ТАЙЕРГАРЛИК ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА!

— Барча шаҳар ва районларда, меҳнат жамоаларида, ташиқлот ва маҳалларда улуг айёмини қилиш йилги-рини байрам қилишга тайёр-гарлик ишлари қизгин давом этмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокими Уринбосари, мустақиллик байрамини таъ-йирларни ва уни ўтказиш респуб-лика ташиқлий қўмитаси аъзо-си Р. Раҳмонов. — Вилоятда байрамга тайёргарлик ташиқ-лий қўмитаси ишларини авж ол-дириб юборди. Чунки, тайёргарлик буйича тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган. Шунга асосан июль ва август ойларида шаҳар ва туман марказлари, кишлоқ ва маҳал-лар байрамона безатилади, ободончилик ишлари амалга оширилади. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари буйича амалга ошириладиган тадбир-

лар қайта кўздан кечирилмоқ-да. Аҳолини ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан улуқсиз таъминлаш чо-рларини қўриляпти. Савдо ва умумий оқватланиш корхона-лари иши яхшиланади. Жой-ларда байрам савдо ярмар-калари ташкил этилади. Театрлар, истироҳат боғла-ри ва бошқа жойларда айёмга бағишланган катта концерт дастурлари, спектакльлар ва кўнгилочар томошалар қўрс-етилади. Турли кўргазмалар ташкил этилади. Вилоят мар-казида аънавийи қовун сайли бўлади. Айни пайтда ҳамма жойда юртбошимизнинг «Ў-збекистоннинг ўз истиқлол ва тараққий йўли», «Ўзбекистон» — келажак буюк давлат, «Янги уй қурмай тўриб, эски-сини бузмаи» китобларида бевён этилган фикр-мулоҳаза

(Саҳифани «Ўзбекистон овози» муҳбирлари Мусо ҚАРОМОВ ва Ҳайдар НОСИРОВ тайёрладилар).

